

ХОНОБОД

Ижтимоий-сиёсий, оммавий газета

SADOSI

Газета 2005 йил
8 мартдан чиқа бошлаган

№ 5 (278) - сон 3 июнь, жума 2022 йил.

ISSN 2010 - 572X

«ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА БАХТЛИ БОЛАЛИКНИ УЛАШАЙЛИК»



1 июнь - Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Хонобод шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, мактабгача таълим ташкилоти ҳамкорлигида "Фарзандларимизга бахтли болаликни улашайлик" акцияси доирасида кўнгилочар тadbирлар ва байрам томошалари намойиш этилди.

Ҳар бир инсон ўз болалигига қайтишни истаб яшайди... Агар зимдан кузатсангиз болажонларнинг қувноқ уйинлари, шириндан-шакар қилиқларидан тортиб ҳатто аразларигача содда ва самимий. Шунинг учун бўлса керак болалик сонинчи бизни бир зум ҳам тарк этмайди.

Болаларни ҳимоя қилиш куни байрами ҳеч бир қилдига бегона эмас. Зеро, бу бугубор оламнинг митти йўлакчаларида ҳаммамизнинг қадрдон изларимиз қолган. Бугун эса барчамиз болалик аталмиш кўркем оламнинг ошувталарига айландик...

Биз ўз болалик чоғларимизни оптимиздан униб-ўсиб келаётган азиз фарзандлар-

у набираларнинг мусавфо нигоҳларидан топамиз! Яратганга минг шукурлар бўлсинки, мана шундай жаннатмонанд Батанда яшарканмиз, болажон халқлигимизга бориб, катта тўй-тантаналар уюштирамиз, кўнглимизга эртанги кунга оид гўзал тилакларни жойлаймиз. Ва уларнинг аксарияти жондан азиз фарзандларимизга чамбарчас боғланган.

Жамиятимизда фарзандларимиз учун нечоғлиқ тарзда қулайликлар ва шарт-шароит яратиб берилган. Юртимизнинг барча байрамларида улашладиган совға-саломлар-у рағбатлантиришлар, ҳар бир муборак хонадонда тарбия топаётган болалар келажаги учун демакдир!

Зеро, болаларимиз, ёшлар - юртимиз келажаги, эртанги кунимиздир!

Ҳ. МЎМИНОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Хонобод шаҳар бўлини маси раҳбари.
Суратларда: тadbирлардан лавҳалар

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИШИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Давлатимиз томонидан Барқарор ривожланиш соҳасида Миллий мақсад ва вазифаларга эришиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, Барқарор ривожланиш мақсадларининг барчаси, бизнинг миллий мақсадларимизга ҳамоҳангдир ва бу масалада Ўзбекистон парламентининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳеч қайси бир соҳани унинг қонунчилик асосларини такомиллаштирмасдан туриб ривожлантиришга эришиб бўлмайди, шунингдек, қонунларнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, давлат дастурларининг ижроси устидан парламент назоратини самарали йўлга қўйиш эса, уларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли ижросини таъминлашида муҳим аҳамият касб этади.

Президент Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентларнинг ролини ошириш бўйича махсус резолюцияни қабул қилиш тўғрисида муҳим ташаббусни илгари сурди ва Ўзбекистонда парламентни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтди.



Таъкидлаш жоизки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қабул қилинган Давлат дастурига биноан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳаётга тadbик қилинаётган қонунлар мамлакатимиз тараққиётига изчил хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февраль куни 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тadbирлар тўғрисидаги 83-сонли қарори қабул қилинди.

Маъжур қарор доирасида Барқарор ривожланиш 17

миллий мақсад ва 125 та вазифалар бўлиб, Миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган.

Қарорда, Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш ва тизимли ишларни ташкил этиш бўйича Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва миллий барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларга эришилишини таъминлаш мақсадида, Миллий индикаторлар ишлаб чиқилган бўлиб қатор вазифалар белги-линиб олинган.

-2030 йилгача мамлакатда камбағаллик даражасини икки баробарга қисқартириш;

-Аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш борасида муҳтожларни тўлиқ қамраб олиш;

-озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш;

Давоми 2-бетда

БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!



АТ ХАЛҚ БАНКИ ХОНОБОД ФИЛИАЛИ
БАНК БАЛАНСИГА ОЛИНГАН ҚҮЙИДАГИ МОЛ-МУЛКЛАРНИ
СОТУВГА ҚҮЙИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ;

1. Хонобод шаҳар, Истиклол МФЙ, Фароғат кўчаси 101-уй 3-қаватда жойлашган 3 хонали 5-хонадон сотилади. Нархи 194 469 255 сўм.
2. Хонобод шаҳар, Фитрат кўчаси 129-уй, 1-қаватда жойлашган 2 хонали 13-хонадон сотилади; Нархи 81 513 150 сўм.
3. Андижон шаҳар, Бобур шоҳкўчаси 13 d манзилдаги 192 кв.метр ер майдонида жойлашган бинонинг 1,2 қаватидаги Савдо-маиший биносининг 1/5 қисмидаги умумий майдони 92,43 кв.метрдан иборат 3 хонали тайёр Офис сотилади. Нархи 467 197 763 сўм.

Мурожаат учун манзил: Хонобод шаҳар, Фароғат кўчаси 3-уй.

АТ Халқ банки Хонобод филиали

Тел.: Қабулхона 74-734-42-26, Бош ҳисобчи 74-734-42-29, Бошқарувчи 90-357-07-15

2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИШИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Давоми. Боши 1-бетда

–Соглом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига қўмаклашиш;

–Умумқамровли ва сифатли таълимни таъминлаш ва барчага таълим олиш имкониятини рағбатлантириш;

–Сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган ҳар бир вазифалар таҳлили шуни кўрсатадики, уларни ҳал этишда жамиятимиздаги барча институтларнинг сайёҳаракатларини сафарбар этиш талаб этилади ҳамда фуқаролик жамияти вакилларининг иштироки ҳам муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўрин тутди. Шу маънода БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда "Ҳеч кимни

этибордан четда қолдирмаслик" тамойили асосида амалга оширилади. Парламент комиссиясининг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларига риоя этиш ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палаталарининг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати доирасида ҳам БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилишида парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масалада мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мақсадида тегишли ишлар белгилаб олинган, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича ташкил этилган ишларни таҳлил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталарида Вазир-

ликлар томонидан берилган ахборотларни таҳлил қилган ҳолда кенгайтирилган йиғилишлар ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича Ҳукумат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан мунтазам равишда Парламент ва Қўмита эшитувларини амалга оширишда Парламент комиссияси самарали фаолият олиб бормоқда.

Албатта, келгусида Барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадларнинг тўлиқ амалга оширилиши жамиятнинг ривожланишига, халқ фаровонлигини ва турмуш сифатини яхшилашга, ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини юксалишига хизмат қилади...

Т.МУРАТОВА.
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ўзбекистон бозорларида ШАКАРНИНГ ТАҚЧИЛЛИГИ ВА ҚИММАТЛАШУВИ МАСАЛАСИДА МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛДИ

Бозорларда шакар нархининг ошиши юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизмати муносабат билдирди:

"Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бугунги кунда ички бозорда 1 кг шакарнинг ўртача нархи 9 500 - 13 000 сўм доирасида шакланмоқда, шунингдек, айрим савдо нуқталарида шакар нархининг 14 000 сўмгача кўтарилгани кузатишмоқда.

Шу билан бирга, қўшни ва бошқа МДХ мамлакатларида шакар нархи 52 фоизга (сўм эквивалентида қўшни мамлакатларда 14 000 сўмдан 21 000 сўмгача) ўсиши билан бир қаторда, ушбу маҳсулот тақчиллиги билан боғлиқ муаммо ва хатарлар юзгага келатганлиги кузатишмоқда.

Қўшни ва бошқа МДХ мамлакатларида нархларнинг ошиши, ўз навбатида, Ўзбекистон ички бозорига аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида ҳам шакар нархи бўйича инфляцияни кўтирилмаган кучайишига маълум маънода таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг минтақа ва бошқа давлатлар иқтисодиётлари билан ташқи савдо бора-сида ҳамкорликнинг кенгайиб ва эркинлашиб бориши ҳолатида мамлакат ичидаги нархларни қўшни давлатлардагига нисбатан кескин фарқ қилувчи даражада сақлаб туришини деярли имкони бўлмади.

Хусусан, жорий йилда мамлакатимизда шакар ишлаб чиқариш ҳажми январь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 минг тонна ёки 16 фоизга кўпроқни (224 минг тоннадан 259 минг тоннагача ошган), яъни тақлиф ҳажми ошганлигига қарамай (биржа орқали сотилган ҳажм 177 минг тоннадан 186 минг тоннагача кўпайган) шакар нархи, асосан, таққи омиллар таъсирида ўсиши кузатилди.

Шакар нархининг ўсишига, биринчи навбатда, маъмул маҳсулот ва унинг хомашеси Марказий Осиё минтақасига етказиб бериш бўйича транспорт ва логистика билан боғлиқ муаммолар ҳамда ёқилғи ресурслари нархларининг ўсиши таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, бугунги кунда Лондон биржасида шакланган шакарнинг нархи (500

доллардан 575 долларгача) 15 фоизга ошган бўлса, унинг Ўзбекистонга етказиб бериш харажатлари 1 тоннаси учун 173 доллардан 271 долларгача ёки 57 фоизга ошган.

Натижада, тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ДАР Uzbekistan шартида Ўзбекистон Республикаси чегарасига етказиб бериш тайёр шакарнинг қиймати (божхона ва солиқ тўловларисиз) йил бошидаги 674 доллардан 840 долларгача ёки 25 фоизга ошган.

Анъанавий денгиз портларининг ёпилиши ҳамда альтернатив портлар ўтказувчанлик сифмиларининг паслиги товарларни узоқ муддат қўлиб кетиши ҳамда сақлаш билан боғлиқ қўшимча харажатларни юзгага келтирмоқда.

Юзгага келган маъмул шартларда минтақадаги экспортёр давлатлар ҳамда Ҳиндистон томонидан экспортга чекловнинг қиритилиши кузатишмоқда.

Маълумот учун: Россия ҳукуматининг 2022 йил 14 мартдаги тегишли қарорига асосан 2022 йил 31 августгача, Қозоғистон Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг 2022 йил 4 майдаги буйруғига асосан 6 ой муддатга шунингдек, Ҳиндистонда 2022 йил 25 майдан шакар экспортига чеклов ўрнатилди.

Ички бозорни йил якунига қадар шакар билан тўйинтириш бўйича барча заҳиралар яратилган, жумладан:

о шакарга бўлган талабнинг масъумий ошиши шароитида (мева-сабзавотларни консервация қилиш масъуми) нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида биржа савдоларига чиқариладиган шакар ҳажми жорий йил июн ойидан бошлаб 50 фоизгача оширилади.

Хусусан, биржадаги савдоларга қўйилаётган шакар ҳажми амалдаги 2 000 тоннадан 3 000 тоннагача оширилди.

о жорий йилда шакар ишлаб чиқариш ҳажми 720 минг тонна ёки ўтган йилга нисбатан 22 фоизга кўпроқни ташкил этади. Бунда шакар ва унинг хомашеси импорти ҳажми ўтган йилги 643 минг тоннадан 900 минг тоннагача оширилади.

Натижада, жорий йил якуни билан ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган тайёр шакар қолдиги 118 минг тоннадан кўпроқни ташкил этиши кутилмоқда", дейилди хабарда.

АЁЛЛАРГА ТАЪТИЛГА ЧИҚИШИДА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР МАВЖУД

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомилидаги шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб азосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи табиб хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир. МК 229-моддаси

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомиёга) бола ўн олти ёшга тўлгунча қадар давлат ижтимоий сўғуртаси маблағлари ҳисобидан бир қўнлик иш ҳақи микдорида ҳақ тўлаган ҳолда оилга қўшимча бир дам олиш кўни берилади. МК 230-моддаси

Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади. МК 231-моддаси

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қўлай бўлган бошқа вақтда берилади. МК 232-моддаси

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи



қатъи назар аёлга тўлиқ берилади. МК-233 моддаси.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунча қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.


Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллardan боланинг отаси, буваси, буваси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки ушбу модданинг кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллари меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўйилади. Болани парваришлаш таътиллари вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал хўжхонада ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўйилмайди. МК-234-моддаси.

Сурайё АШУРОВА
Хонобод шаҳар юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юриконсулти.

БОЛАЛАРНИ 1-СИНФГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ



"Халқ таълими тизимида давлат хизматларини кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Хукумат қарори (295-сон, 01.06.2022 й.) қабул қилинди.

Қарор билан куйидагилар бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентлари тасдиқланди:

- * болаларни давлат мактабларига қабул қилиш ҳамда ўқувчиларни бир мактабдан бошқасига ўтказиш;

- * чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандларини мактабга қабул қилиш учун аризалар олиш;

- * экстернат тартибидида имтиҳонлар олиш учун аризалар қабул қилиш;

- * умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари дубликатини бериш.

Шунга кўра, ҳар йили 1

майгача ўқувчиларни 1-синфга қабул қилиш ва бир мактаб (синф)дан бошқасига ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиладиган ҳудудлар рўйхати тасдиқланади ва Халқ таълими вазирлиги расмий веб-сайтида эълон қилинади.

1-синфга болалар улар 7 ёшга туладиган йилда қабул қилинади.

Давлат хизмати кўрсатилгани учун ариза берувчидан йигим ундирилмайди.

Ариза берувчи микроҳудуд бўйича мактабга қабул қилиш учун ҳар йили 20 июндан 31 июлгача ЯИДХП ёки Халқ таълими вазирлигининг электрон хизматлар порталида рўйхатдан ўтади.

Ариза берувчининг яшаш манзили бўйича мактабда танлаган таълим олиш тили-

даги синф бўлмаган тақдирда, яқин ҳудудда жойлашган бошқа мактаб микроҳудуд сифатида бириктирилади.

Сўровнома тўлдирилади ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқармаси томонидан 3 иш кунига кўриб чиқилиб, микроҳудуд бўйича мактабга юборилади ёки сабаби кўрсатилган ҳолда қайтарилади. Бу ҳақда ариза берувчиларга хабар юборилади.

Ариза берувчи фарзанди билан биргаликда микроҳудуд бўйича юборилган мактабга онлайн навбат асосида боради ва боланинг соғлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномани мактабга тақдим этади.

Мактаб қабул комиссияси томонидан 1 иш кунига болани мактабга олиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Куйидаги ҳолларда қабул комиссияси болани мактабга қабул қилишни рад этиши мумкин:

- * тиббий маълумотномада мактабда таълим олиш тасвир этилмаган бўлса;
- * танланган тилда бола бошланғич сузлашув кўникмасига эга бўлмаса;
- * сўровномадаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланса.

Микроҳудуддан ташқаридан болалар мактабга ҳар йили 1-15 август кунлари қабул қилинади.

Мазкур тартиб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактабларга нисбатан қўлланилади.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Сайёр суд

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛДИ

Узоқ йиллик орзу!!! Адлия кўмагида, Суднинг келиши ва ҳал қилув қарори билан ушаладиган бўлди

Хонобод шаҳар адлия бўлимига узоқ йиллардан буён Ўзбекистон Республикаси ички қўрсатилган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини ололмаган бир нечта фуқаролар мурожаат қилиб, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаганлик фактини тасдиқлашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатлари ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида, фуқаролар И.Ақбарова, М.Мўминов, О.Қосимова ва Т.Маматалиеваларнинг мурожаатларида кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топганидан сўнг, уларни Ўзбекистон республикасида доимий яшаганлик фактини тасдиқлаш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро суди раисининг розилиги ва ташаббуси билан киритилган даъво аризалар юзасидан суд сайёр тартибда Хонобод шаҳар адлия бўлимида суд ўтказди.

Ўтказилган сайёр судда томонлар эшитилиб, тақдим

этилган далиллар кўриб чиқилганидан сўнг, Хонобод шаҳар адлия бўлимининг даъво аризалари тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, сайёр суд ўтказиш манзилига келишга қийналган О.Қосимовага нисбатан суд жараёни унинг яшаш манзилида ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиниб, унинг хонадонига ташриф буюрилди. Фуқаронинг хонадонидан у томондан ва гувоҳларнинг берган кўрсатмалари эшитилиб, тақдим этган асослантувчи ҳужжатлар асосида адлия бўлимининг навбатдаги даъво аризаси ҳам қаноатлантирилди.

Сайёр тартибда ўтказилган суд жараёни аввало фуқарони узоқ йиллар давомида мавжуд бўлган ва турли хил йўналишларда қийинчилик туғдириб келган муаммоларни адлия бўлимининг аризаси ва Фуқаролик ишлар бўйича туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан барҳам топди.

Ф. АХМЕДОВ
Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро суди раиси
Б.НАЗИРОВ
Хонобод шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ИНТЕРНЕТ ФИРИБГАРЛИГИДАН ҲИМОЯЛАНИШ БЎЙИЧА 5 ТА МУҲИМ ТАВСИЯ

Ҳозирги кунда интернет хизматлари ва онлайн режимда ишлаш имконияти тобора оммалашиб бормоқда. Интернетнинг вақт ва масофа танлашмаслиги, фойдаланувчилар сонининг мунтазам ошиб бориши, уйдан, иш жойидан чиқмасдан туриб ҳам яхшигина пул топиш имконини бермоқда.

Ўз навбатида, ушбу ҳолатлар интернет фирибгарлигининг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги фирибгарликлардан ҳимояланиш учун бир нечта зарурий қоидаларни билиб олиш муҳимдир. Қуйида ушбу қоидалар ҳақида маълумот бериб ўтаемиз:

1. Ҳеч кимга, ҳатто энг яқин инсонларингизга ҳам банк пластик картаси маълумотларини (пластик карта рақами, пластик картанинг амал қилиш мuddати, карта эгасининг исми ва коди) берманг. Чунки яқин инсонларингиз ҳам банк картаси маълумотларини адаштириб бошқа инсонларга юбориши ёки бошқа инсонлар яқин инсонларингиз орқали банк картаси маълумотларидан хабардор бўлишлари мумкин.

2. Ҳеч кимга СМС хабарномалар орқали келган қисқа махфий кодни ва шунга ўхшаш бошқа кодларни кўрсатманг ва юборманг. Ушбу кодлар тарқалиши орқали фирибгарлар Сизнинг карта маълумотларингизга эга бўлиши мумкин.

3. Пластик карта расмларини ва маълумотларини ҳар қандай кишига ёки умумий гуруҳларда ҳамда турли ижтимоий тармоқларга жойламанг. Ушбу ҳаракат Сизнинг карта маълумотларингиз тарқалишининг олдини олади.

4. Таниш бўлмаган рақамлардан кўнгирок қилиб, Сизнинг банк картангиз блокка тушганини айтишса, уларга банк картаси маълумотларини айтманг. Доим ёдингизда тутинг! Банк ходимлари ҳеч қачон Сиздан карта маълумотларингизни сўраб кўнгирок қилмайди.

5. Онлайн харидларни фақатгина ишончли веб-сайтлар ва онлайн дўконлар орқали амалга оширинг. Молиявий маблағларингизни хавфсиз сақлаш ўз қўлингизда!

Зулхумор тайёрлади.

КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ МИЛЛАТ КЎРКИ

Кийиниш маданияти - инсоннинг ташқи кўриниши, маънавий дунёси, эстетикаси, ахлоқий сифатлари ва салоҳиятини очиб беради. Кийиниш маданиятига бўлган қараш инсоннинг гўзаллик, нафосат, одоб борасидаги кўз қарашларини ифода этадиган омил ҳамдир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки бугунги жадал ривожланиб бораётган глобал даврда кийимлар ҳам, кийинишга бўлган эътибор ва талаб ҳам ўзгариб бормоқда.

Ёшларимизнинг мода кетидан кўр-кўрона қувишлари ва янги чиққан тор, очик, калта либосларни мода дея эътироф этишлари ва бу турдаги кийимлар албатта кийилиши керак деб фикрлашлари айни ҳақиқат. Бу кийимларнинг ўзбекона маданиятимизга менталитетимизга хос эмаслиги ҳақида эса ўйлаб кўришмаяпти. Афсуски мен бугунги йигит - қизларимизнинг кийиниш маданияти ҳақида ижобий фикр билдирги олмаيمан. Чунки бугун куча куйда, европага тақлид қилиб кийинаётган ёшларимизда миллийлигимиз акс этган кийимлар тобора камайиб бормоқда. Аслида кийиниш маданияти ҳам ўзбекона маданиятимизнинг ажралмас қисмидир. Бу масаланинг жиддий томони шундаки юзага келаётган ушбу муаммо бугунги куннинг муҳим долзарб мавзусига айланди. Кўпчилик ёшларимиз Европа услубида кийинмаслигини замондан ортда қолиш деб ҳисоблашмоқда. Бу фикрнинг мутлақо нотўғри эканлиги ҳақида фикр юритилмаяпти.

Европа модаси деб урф бўлган бемани кийимларни кий-

иб ўзини бугуннинг замонавий ёшлари деб ҳисоблайдиган ҳар бир йигит қиз қаттиқ адашди ва аксинча улар ўзларининг маънавияти тафаккури ва дунё қараши қанчалик саёз эканлигини "замонавий" либослари орқали намоён этишмоқда. Аслида инсоннинг маданиятга хос кийиниш услуби унинг маънавий олами қанчалик бой эканлигини намоён этувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиш уридли деб биламан. Йигит қизларимизнинг кийиниш маданиятида ота-оналарнинг алоҳида ўрни бор. Танасига ёпишиб турувчи ёки калта ва очик кийимларни ўз қизларига олиб бераётган айрим ота-оналар бунинг салбий оқибатларга олиб келишини билишармикан. Афсуски ота-оналар орасида қизларининг кийинишига бефарқ қарайдиганлар талайгина.

Кийиниш борасида нафақат қизларимиз балки йигитларимиз ҳам тобора "замонавийлашиб" боришляпти. Ҳар хил бемани ёзув ва расмлар туширилган футболка, калта шим ва шиппакларда кучани тўлдириб юришгани айни ҳақиқат. Сигарет чекаётган одамнинг сурати туширилган ёки скелет расми солинган футболкаларни кийишга иштиёқманд ўзбек йигитларимизнинг бу ишлари ўзбекона маданиятимизга



тўғри келмаслигини англай олишмаяпти. Тасаввур қилиб кўрин калта шим ёки футболка кийиб олган ота ёки тор ва очик либосга бурканган она ўз фарзандига ибрат бўлиш ўрнига шу муҳитда улғайиши учун замин яратяётгандек гўё. Ҳақиқатки бундай ота-оналар баъзи-баъзида учраб турибди.

Энг аввало ота она ўз фарзандини кийинишига эътибор бериши, доимий назорат қилиши зарур. Шундагина юқорида келтирилган муаммолар ва салбий фикрлар юзага келмайди. Истатистика қизларимиз ибто ҳаёда барчага намуна бўлиб, йигитларимиз ҳақиқий ўзбек ўғлини сифатида қолдиш ва кийиниш маданияти ҳам миллийлигимизни ўзида мужассам этган энг муҳим омил эканлигини ёдда сақлашса нур устига аъло нур бўлади.

Ғолибхон ХИДИРОВ,
Хожа Бухорий ўрта махсус ислом билим юрти мударриси

БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Президентнинг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" - ги қарорига асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қуйидаги қатламларига бир марталик моддий ёрдам қўрсатиш белгиланган, унга қўра:

- ёшга доир пенсия олувчилар, шунингдек, ногиронлик пенсияси ва нафақасини олувчи шахсларга республика бюджетни ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам қўрсатилади;

- болалиқдан ногиронлик нафақасини ҳамда боқувчисини йўқотган

лик пенсияси ва нафақасини олувчи оилаларни ҳар бир азосига ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парваришlash нафақасини олувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда яшовчи фуқароларга 300 минг сўмдан, Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқароларга эса 400 минг сўмдан тўлаб берилди.

- "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган моддий ёрдам олувчи оилаларга ҳамда кам таъминланган сифатида болалар нафақасини олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган ҳар бир боласига 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам қўрсатилади.

Шунингдек, юқорида тақдирланган ҳужжатда Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Марказий банк ва тижорат банклари мазкур қарорда қўрсатилган бир марталик моддий ёрдам тўловларини икки ҳафта мuddатда тўлиқ тўлашини таъминлашлари белгилаб қўйилган.

2022 йилнинг 25 майдан 8 июнь кунига қадар доимий яшаш жойида вақтинча бўлмаганлиги ёки бошқа сабабларга қўра, бир марталик моддий ёрдам пулларини ўз вақтида ололмаган фуқаролар, бу ҳақда тўғридан-тўғри туман Пенсия жамғармасига ёки туман ҳокимлигига жорий йилнинг 1 сентябрь кунига қадар мурожаат қилишлари мумкин.

Саволга "Мадад" ННТ масъул ходими А.Каримов жавоб берди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Андижон вилояти Хонобод шаҳар, Фозилмон МФЙ, Баҳор кўчаси 37 уйда яшаб вафот этган марҳум **КУРБАНОВ САТКИНБАЙ**нинг мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат МФЙ Обод кўчасидаги хусусий нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Андижон вилояти Хонобод шаҳар, Теит МФЙ, Қирғули кўчаси 22 уйда яшаб вафот этган марҳум **TURSINOV RAXMATJON MAXAMMADJONOVICH**нинг мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат МФЙ Обод кўчасидаги хусусий нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Андижон вилояти Хонобод шаҳар, Фозилмон МФЙ, Баҳор кўчаси 17 уйда яшаб вафот этган марҳум **MIROBILLAEV MIRZABULLAN**нинг мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат МФЙ Обод кўчасидаги хусусий нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Андижон вилояти Хонобод шаҳар, О.Қодиров кўчаси 213 уйда яшаб вафот этган марҳум **НАБИЕВА РУЗВАНХОН**нинг мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат МФЙ Обод кўчасидаги хусусий нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Андижон вилояти Хонобод шаҳар, Истиклол МФЙ, Фароғат кўчаси 53 уй 12 -хонадонда яшаб вафот этган марҳум **SOATOVA MUXTARAMXON ABDULAZIZOVNAN**нинг мулкига нисбатан мерос очилиши муносабати билан меросхўрлар қариндошлик, ва кредиторлар даъво асосини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан Хонобод шаҳар А.Фитрат МФЙ Обод кўчасидаги хусусий нотариал идорасига мурожаат қилиши сўралади.

Хонобод шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Зарина Адхамжановна номига 2000/2001 -ўқув йилларида 9-синфини тамомлагани тўғрисида берилган О'Р-Е № - 01137026- № 0265762 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор деб ҳисоблансин.

Хонобод шаҳар Халқ таълими бўлимига қарашли 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан Муллабоев Bekzod Mo'minjon o'g'li номига 1996/1997 -ўқув йилларида 9-синфини тамомлагани тўғрисида берилган О'Р-Е № -000881-рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор деб ҳисоблансин.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ - КЕЛАЖАК САРИ ЯНГИ ҚАДАМ

Мамлакат фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар ҳар қандай давлат миллий статистиканинг муҳим қисми саналади. Бундай маълумотлар маълум вақт оралиғида аҳоли рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўланади. Улар нафақат республика, балки Ер юзи аҳолисининг сони, ижтимоий ҳолати, даромадлари каби бир қанча муҳим ахборотларни ҳисоблаб боришга хизмат қилади.

БМТ дунё мамлакатларига фуқаролар билан юзга келадиган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ечимини ҳанда иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳамроҳлиги кўрсаткичлар билан мутаносиб равишда ўсиб боришини таъминлаш учун ҳар ўн йилда камда бир маротаба аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тасвия этган. Афсуски, юртимизда мустақилликдан сўнг кенг кўламда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилмаган. Шу боис, мамлакатимизда илк бор 2023 йилда ўтказилиши кўзда тутилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига аини пайтда қизғин тайёргарлик қўриломоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллий, эллатдан қатъий назар барча инсонларни бириштирадиган умумийлиги тадбир бўлиб, унинг ўтказилишидан барчамиз, сиёсий қарашларимиз ва ижтимоий маъқимимиздан қатъи назар бирдек манфаатдормиз. Боиси, мазкур ириқ ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони (2021 йил 1 январь ҳолатига республика аҳолиси 34 558,9 минг киши ташкил этган), фуқаролиги, никоҳ ҳолати яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамликнинг таълим даражаси (орта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даромад манбалари, уйсизлар сонини ўқувларини яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича маълумот бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, қишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

Нега 10 йилда бир марта?

Дунё бўйлаб минг йиллар давомида ўтказиб келинаётган аҳолини рўйхатга олиш тадбири илк бор эраимиздан аввалги 3800 йилларда бобиликлар томонидан ўтказилган тарихий ишоралар бор. Ҳар 6 ёки 7 йилда ўтказилган бундай тадбирларда аҳоли ва чорва сони, мевас-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ҳисобга олинган ҳақида тарихий манбаларда айрим маълумотлар қолган.

Қадимги Миср, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония, Вавилон, Грециява Юнонистон давлатларида эса аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари солиқ тўловчилар ва ҳарбий хизматга яроқли аҳоли сони билан мақсадда ўтказилган.Шунингдек, шаҳарлардаги ерлар ва ҳўжалиқлар, ҳўнармандчилик ва савдо-сотиқ ҳамда улар билан бирга аҳолини статистик ҳисобга олишининг турли шакллари мавжуд бўлган.

Аҳолини мунтазам рўйхатга олиш тарихи 1790 йилга бориб тақалади. Ушанда АҚШда, 1801 йилда эса бир вақтинч ўзйда Англия, Шотландия, Франция, Дания ва Норвегияда шундай тадбирлар ўтказилган.Бирок улар ҳали муҳим бўлмаган ҳолда, ўзбек қадимда аниқ бир вақтга бoғлиқ бўлмаган, белгиланган қондаларга амал қилинмаган тарзда олиб бoғрилган.

1846 йилда ириқ статистик олим Адольф Кетл (1796-1874) бошчилигида Бельгияда ўтказилган рўйхатга олиш би-

ринчи чинакам илмий рўйхатга олиш дея эътироф этилади. Унинг ўзига ҳослиги шундаки, рўйхатга олиш мuddати бир кунлик бўлиб, ҳақиқатда мавжуд аҳоли ҳисобга олинган. Мазкур рўйхатга олиш тажрибасидан кейинчалик, Европанинг қўллаб-давлатлари фойдаланган.1870-1879 йилларда дунё бўйича атиги 48 та давлатда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган бўлса, XX аср охирига келиб, деярли барча давлатлар ўз аҳолисини рўйхатга олишга киришди.

Бугунги кунда БМТ дунё мамлакатларини ҳар 10 йилда камда бир маротаба ўз аҳолисини рўйхатга олишга даъват этади. Шу вақдан, аксарият мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ҳар 10 йилда бир маротаба ўтказилади. Хўш, нега айнан 10 йилда бир марта? Бунинг бир қанча сабаблари бор, албатта. Аввало, 10 йил ичида жамиятда салмоқли ўзгаришлар рўй беради.Аввалги рўйхатга олиш усуллари самарадорлиги сезиларли даражада камайиши сабабли, сўрономалар мазмунига тўзатишлар, маълумотларни тўлша ва қайта ишлаш усулларига замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзгариштирилган киришти талаб этилади.

2015 йилда БМТнинг "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бoғидадаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилиниб, 2020 йил раундига старт берилган эди. Бу раунд 2015 йилдан 2025 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ўзбекистон ҳам ўз аҳолисини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни режалаштирган давлатлар қаторидан жой олди ва дунё халқлари бўйича 228 чи бўлиб БМТ томонидан рўйхатга олинди. Бирок коронавирус пандемиясининг дунё бўйлаб кен тарқалиши қўллаб ҳoлатлар сингари аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва аҳолини жараёнларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Аксарият мамлакатларда бу тадбирларнинг мuddати ўзгаришди.

Юртимизда ҳам 2022 йилда ўтказилиши режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2023 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари дақиқасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чoра-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан му-стаҳкамланди. Шунингдек, мазкур қарор билан 2021 йилнинг 1-25 ноябрь кунлари Андижон вилоятининг Ҳўжаобод тумани, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани, Ҳoразм вилоятининг Хива шаҳри ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшновод туманида аҳолини синoв тариксида рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланган.

Фуқароларда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига таъсир этиш имконияти вуқудга келди. Аҳолини рўйхатга олиш, аввало, давлат ёки ҳукумат эмас, балки жамиятнинг ўзи учун зарур бўлиб, у вақти-вақти билан ўз-ўзини кузгуде қўриш орқали ривожланиш натижаларини баҳолаш имкониятидир. Рўйхатга олишда қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим эта туриб, ўзлари мансуб бўлган кишилар гуруҳига тегишли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда ишқирок этади.

Мисoл учун, ишқироланин сўрономо-даги жавоблари меҳнат бoзoрини ўрганши ва айнан керакли жoйда янги иш ўринлари яратиш имконини берса, болалар сони тўғрисидаги маълумотлар мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва шу каби муассаса-лар қурилиши режаларини тузишда қўл ке-

лади.Ёш ҳақидаги маълумотлар пенсияга чиқадиганлар сони, уларнинг пенсия тўловлари учун зарур бўладиган маблағларни жамғариб бoриш имконини беради. Ҳар йили мактабгача таълим, умумтаълим мактаблари ёки олий таълимга қабул қилинадиған ёшлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам худди шундай шаклланади. Яшаш жoйи тўғрисидаги маълумотлар эса ҳар бoримизнинг уй-имизгача келадиган йўллар қурилиши, коммуникациялар билан таъминлашни режалаштириш учун зарур.

Мамлакатимизда синoв тариксида жoрий йилдан бошланган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари 2023 йилда ўтказиладиған рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик қўришининг муҳим бoқимни ҳисобланади.Мазкур амалиёт услубий, техник ва ташқилий масалаларни қайта қўриб чиқиш имконини бергани боис, унда қанча кўп респондентлар (аҳоли) қатнашса, шунча кўп камчиликларни аниқлаш ва тўзатишга шароит тўғрлади ва республика даражасида бўладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг сифатли ва самарали ўтказилиши таъминланади.

Мазкур ишларни сифатли ташкил этиш мақсидида жойларда махсус гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, жараёнлар аниқ ва тизимли йўлга қўйилади. Рўйхатга олувчилар ишини мувофиқлаштириш учун ҳар бир ин-структорлик участкасида 1 нафар инструктор ва 1 нафар стационар рўйхатга олувчи фаолият юретилади. Уларнинг ишини рўйхатга олиш участкаси хoдимлари назорат қиладди.

Яшаб турган хонадонда (жойида) рўйхатдан ўтишни истамеган респондентларини структуролик участкасида фаолият юритувчи стационар рўйхатга олувчи хoдимларга мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтишларимумкин бўлади.Туман ва шаҳар миқёсида аҳолини рўйхатга олиш ишларини назорат қилиш учун худудларда аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилади. Жараён якунига етказилгандан сўнг худудий статистика бoшқармалари қoшида Аҳолини рўйхатга олишининг бирламчи маълумотларини электрон базага киришти марказлари ташкил этилади.

Ушбу тадбирларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар орқали нафақат ўзимиз, балки келажак авлод учун муҳим маълумотларни тўлшага еришамиз. Аҳолини рўйхатга олиш натижалари мамлакатимизнинг кейинги демография ва ижтимоий сиёсатини белгилаш билан бирга, республика ва худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ҳамда дастурларини тузишда кенг қўлланилади.Кейинги ўн йилликка мулкoлланган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурларини шакллантириш, шифоҳоланги, болалар боғчалари, мактаблар ва уй-жой қурилишини режалаштиришда фойдаланилади.

Рўйхатга олиш натиқасида шакллантириладиган мамлакатдаги иш бoрyвчилар ҳақидаги маълумотлар хусусий тадбирқорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўл очади. Бизнес вақиллари рўйхатга олиш маълумотлари орқали меҳнат ҳамда истеъмол бoзoрининг ҳoлатини баҳолаш, талаб ва тақиллаф етхтижени аниқлаш имконига эга бўлади.Бир сўз билан айтганда, аҳоли тўғрисидаги таълимланган маълумотлар барча соҳаларни ривожлантириб, мамлакатни янада тараққий эттиришга, жаҳон майдонига Янги Ўзбекистоннинг янгица қиёфасини акс эттирувчи омил бўлиб хизмат қиладди.

М. СОЛИБ, шаҳар статистика бўлими раҳбари.

«Хонобод садоси»

МУАССИС:
ХОНОБОД ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир вазиғасини
бажарувчи:
Ҳ. СОДИҚОВА

Газета Андижон вилоят
матбуот ва ахборот
бошқармасида
2011 йил 25 январда 04-025
рақами билан рўйхатга
олинган.

Газета А-3 қoлида бoсилди. Ҳажми
1 бoсма табоқда. Газета «ANDIJON NASHRIYOT-
MATBAA» МЧФ компьютер марказида терилди
ва саҳифаланиб, 250 ададда бoсилди. Индекси
171500. Бюурта № 0000442

Бoсмахона манзили: Андижон шаҳар, Навoий
шоҳқўчаси, 71-уй.

Бoсмига тoпшириш вақти: 18.00
Бoсмига тoпширилди: 18.00

Тахририят манзилгоҳи:
Хонобод шаҳар, Умаршайх
Мирзо кўчаси, 4-уй,
ҳoқимлик бoиноси,
301-хона. Тел: 74 734-40-65

Нашр учун масъул:
Х.Мўминова